

«NAZORAT-AUDIT»

АУДИТОРЛИК ТАШКИЛОТИ

«Намангандонмахсулотлари»

АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ

2019 ЙИЛ МОЛИЯВИЙ ХИСОБОТЛАРИ
ВА У БИЛАН БОҒЛИҚ БОШҚА
МАЪЛУМОТЛАРИ ЮЗАСИДАН
ЎТКАЗИЛГАН МУСТАҚИЛ
АУДИТОРЛИК ТЕКШИРУВИ
НАТИЖАЛАРИ БЎЙИЧА

АУДИТОРЛИК ХИСОБОТИ

Наманган шаҳри 2020 йил

NAZORAT-AUDIT

AUDITING COMPANY

Address: 11/2, Gospital Area, Mirabad district, Tashkent city, STIR 202884570
tel: +998 98 366 23 01, fax: +998 78 150 23 01, email: info@nazorat.uz, web: www.nazorat.uz

«Намангандонмахсулотлари»

АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИНИНГ

2019 йил якуни бўйича тузилган молиявий хисоботиغا

Ижобий фикр билдирилган

АУДИТОРЛИК ХУЛОСАСИ

Акциядорлик компанияси таъсисчилари ва раҳбариятига

Аудиторлик ташкилоти тўғрисида маълумот
Масъулияти чекланган жамият шаклидаги «NAZORAT-AUDIT»
аудиторлик ташкилоти.

Ўзбекистон Республикаси. Ташкент шаҳри, Тошкент шаҳри, Госпитал даҳаси 11/2.
телефон: +99895 1447455, тел/факс: +99871 1502301
email: info@nazorat.uz, web: www.nazorat.uz

Юридик шахсни давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисида гувоҳнома - № 545.
11/12.2007 йилда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан
рўйхатдан ўтказилган.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан “Барча хўжалик
юритувчи субъектларда аудиторлик текшируви”ни ўтказиш бўйича
аудиторлик фаолиятини амалган оширишга рухсат берувчи Лицензия - Серия
АФ № 00067 28/7. 2008 йилда берилган.

Хисоб рақами: 20 208 000 604 007 713 001, «Davr-bank» ХЕАТБ Чилонзор
филиали, МФО 01046, СТИР: 202884570, ХХТУТ 84400.

Аудиторлик ташкилоти директори: Назаров Баходир Нематович, Ўзбекистон
Республикаси Молия Вазирлиги томонидан 2014 йил 26 апрел куни берилган
№ 05207-сонли «Аудитор малака сертификати» га эга.

Аудитор: Ибрагимов Азимхужа Собитхонович, Ўзбекистон Республикаси Молия
Вазирлиги томонидан 2017 йил 22 декабр куни берилган № 05539-сонли
«Аудитор малака сертификати» га эга.

Аудиторлик текшируви ўтказилган корхона тўғрисида маълумот
«Намангандонмахсулотлари» акциядорлик жамияти Ўзбекистон
Республикаси, Наманган шаҳри Темирйулчилар кучаси 5-уй.
Телефон: . 233 22 71

2007 йил 7 ноябр куни Наманган шаҳар Хокимлиги «Тадбиркорлик
субъектларини руйхатдан ўтказиш инспекцияси» томонидан 594 сонли
рақами билан руйхатга олинган. Хисоб рақами 20210000300208345001,
Наманган шаҳар «Агробанк» Марказий булими, МФО 00259
СТИР: 200048234 ХХТУТ: 19111.

Жамият бошқаруви раиси: Юсупов Бобиржон Обиджонович
Бош хисобчи, Муйдинов Одилжон Соипжонович

Мен, масъулияти чекланган жамият шаклидаги "NAZORAT-AUDIT" аудиторлик ташкилоти аудитори Ибрагимов Азимхужа Собитхонович, (Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги томонидан 22.12.2017 йилда берилган № 05539 сонли «Аудитор малака сертификати» берилган), аудиторлик ташкилоти билан «Намангандонмахсулотлари» акциядорлик жамияти ўртасида 05.02.2020 йилда тузилган № 50/05-20 -сонли шартномага асосан «Намангандонмахсулотлари» акциядорлик жамиятининг 01.01.2019 йилдан 31.12.2019 йилгача бўлган даври учун 15.02.2020 йилда тузилган "Қорхона баланси" – форма № 1, "Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот" – форма № 2, "Пул оқимлари тўғрисидаги Ҳисобот" - 4-шакл, "Ўз сармояси тўғрисидаги Ҳисобот" - 5-шаклларида иборат молиявий ҳисоботининг ишончилигини мажбурий аудиторлик текширувидан ўтказдим.

Хўжалик юритувчи субъект раҳбариятининг жавобгарлиги

Хўжалик юритувчи субъект раҳбарияти бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ молиявий ҳисоботнинг тайёрланиши ва ҳаққонийлиги, ҳамда ички назорат тизими учун жавобгардир.

Аудиторлик ташкилотининг жавобгарлиги

Аудиторлик ташкилотининг жавобгарлиги ўтказилган аудиторлик текширувига асосан ушбу молиявий ҳисобот юзасидан фикр билдиришдан иборат.

Биз «Намангандонмахсулотлари» акциядорлик жамиятининг илова қилинган молиявий ҳисоботини аудиторлик текширувидан ўтказдик. Аудиторлик текшируви молиявий ҳисобот ва бошқа молиявий ахборотлар барча муҳимлилик жиҳатлари бўйича бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқлиги ва ҳаққонийлигини баҳолашдан иборат.

Биз аудиторлик текширувини Аудиторлик фаолиятининг миллий стандартларига мувофиқ ўтказдик. Ушбу стандартлар молиявий ҳисобот жиддий бузиб кўрсатишларга эга эмаслигига етарли даражадаги ишончга эга бўлишни таъминловчи аудиторлик текширувини режалаштиришни ва ўтказишни тақозо этади.

Аудиторлик текшируви аудиторлик далилларини олишга йўналтирилган аудиторлик амалларини ўтказишни ўз ичига олади. Аудиторлик амалларини танлаш бизнинг мулоҳазамаизнинг предмети ҳисобланади.

Аудиторлик текшируви давомида олинган аудиторлик далиллари молиявий ҳисобот ишончилиги тўғрисида фикр билдириш учун етарлича асослар беради деб ҳисоблаймиз.

Ижобий фикр

Бизнинг фикримизча хўжалик юритувчи субъект «Намангандонмахсулотлари» акциядорлик жамиятининг 2019 йил 31 декабрь ҳолатидаги молиявий ҳисоботи барча муҳимлилик жиҳатлари бўйича унинг молиявий ҳолатини ва молиявий-хўжалик фаолияти натижаларини ҳаққоний акс эттиради ва бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ келади.

Аудиторлик ташкилоти раҳбари

Аудитор:

Б.Н.Назаров.

А.С.Ибрагимов

Хулоса тузилган сана: 12 март 2020 йил

I. Кириш қисми

Аудиторлик ташкилотининг реквизитлари:

Аудиторлик ташкилотининг
тўлиқ номи
Юридик манзили ва телефон
рақамлари
Давлат томонидан рўйхатдан
ўтган гувоҳнома

Аудиторлик фаолияти
лицензияси

Банк реквизити

СТИР
ХХТУТ

Аудиторлик ташкилотининг
раҳбари, аудитор

Аудитор:

Аудиторлик текшируви учун
асос

Текшириш тугатилди

**МЧЖ «NAZORAT-AUDIT» Аудиторлик
ташкилоти**

Тошкент шаҳри, Госпитал даҳаси 11/2,
тел: +99895 1447455, тел/факс: +99871 1502301
Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлигидан
11.12.2007 йилда №545 сонли гувоҳномаси билан
рўйхатдан ўтказилган.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги
томонидан 28 июль 2008 йилда берилган барча
хужалик юритувчи субъектларда аудиторлик
текширувини утказишга рухсат берувчи 00067-сонли
Лицензия.

Х/р 20 208 000 604 400 007 713 001, «Davr-bank»
ХЕАТБ Чилонзор филиали, МФО 01046
202884570
84400

Назаров Баходир Нематович, Ўзбекистон
Республикаси Молия Вазирлиги томонидан 2014 йил
26 апрелида берилган № 05207 аудитор
малака сертификати эга.

Ибрагимов Азимхужа Собитхонович, Ўзбекистон
Республикаси Молия Вазирлиги томонидан
2019 йил 22 декабрида берилган № 05539 аудитор
малака сертификати эга

2020 йил 10 феврал кунги 50/05-20-сонли шартнома

12 март 2020 йил

Аудиторлик текшируви утказилаётган корхонанинг реквизитлари:

Корхона ва ташкилотининг
тўлиқ номи
Юридик манзили ва телефон
рақамлари

Давлат томонидан рўйхатдан
ўтган гувоҳнома

Банк реквизити

СТИР
ХХТУТ

АТ раҳбари

«Намангандонмахсулотлари» АЖ (кейинги матнларда
«Жамият» деб юритилади)
Ўзбекистон Республикаси, Наманган шаҳри,
Темирйулчилар кўчаси, 5 уй. Почта индекси: 160133.
Тел. 233 22 71

Ўзбекистон Республикаси «Давлат мулкани бошқариш ва
хусусийлаштириш қумитаси» Наманган вилоят ҳудудий
бошқармаси томонидан жамиятга 1995 йил 30 январ куни
2353-сонли мулк хуқуқи тасдиқловчи давлат ордери
берилган.

Х/р 20210000300208345001, Наманган шаҳар «Агробанк»
Марказий булими, МФО 00259
200048234
19211

Аудитор

Аудиторлик текшируви 2020 йил 1 март куни бошланиб 2020 йил 12 март куни тугатилди.

Аудиторлик текшируви «Намангандонмахсулотлари» акциядорлик жамияти бошқарув раиси Юсупов Бобиржон Обиджонович хабардорлигида ва бош хисобчи Муйдинов Одилжон Соипжонович бевосита иштирокида утказилди.

Аудиторлик текшируви Ўзбекистон Республикасининг «Аудиторлик фаолияти тугрисида»ги қонуни, аудиторлик фаолиятининг миллий стандартлари талаблари асосида аудиторлик текширувига тақдим этилган бошланғич бухгалтерия ҳужжатлари ва молиявий ҳисоботларига таянган ҳолда утказилди.

Аудиторлик текширувидан ўтказиладиган молиявий ҳисоботларнинг тайёрланиши ва ҳаққонийлиги учун қорхона раҳбарияти жавобгар ҳисобланади. Биз текширилган молиявий ҳисоботлар бўйича ўз ҳулосамизнинг тугрилиги учун жавоб берамиз.

Аудиторлик ҳисоботи бўйича аниқланган маълумотлар махфий ҳисобланиб аудиторлик ташкилоти томонидан буюртмачининг руҳсатисиз ошқор этилмайди.

Мазкур аудитни утказишдан мақсади – «Намангандонмахсулотлари» очик акциядорлик жамиятини 2019 йил фаолияти учун тузилган молиявий ҳисоботларнинг ишончлилиги, тулиқлиги, бухгалтерия ҳисобини юритишнинг амалдаги меъёрларига амал қилинганлиги юзасидан фикр билдиришдир.

В а з и ф а в а у с у л л а р

Аудиторлик текшируви Ўзбекистон Республикасининг амалдаги «Аудиторлик фаолияти тугрисида» ги Қонуни (26.05.2000 й.), Аудит Миллий андозалари ҳамда Ўзбекистон Республикасида аудиторлик фаолиятини тартибга солувчи бошқа меъёрий ҳужжатлар қоидаларига ва аудит утказиш дастурига мувофиқ утказилди.

Аудит жараёнида ҳужжатли текшириш усули қулланилиб, ҳисоботлар қуйидаги ҳажмларда қуриб чиқилди:

- молиявий ҳисоботлар – шаклий ва арифметик жиҳатдан,
- ҳисоб юритишнинг қабул қилинган мемориал-ордер тизими бўйича бирламчи ҳужжатларни аудит текшируви учун зарур бўлган ҳажмда танланма тартибда;
- бошқа ишлаб чиқариш омилларининг ички ҳисоб тизимига таъсирини баҳолаш – танланма тартибда.

Аудиторлик текширувини утказиш мобайнида қуйидаги ахборот манбаларидан фойдаланилди:

- Ўзбекистон Республикасининг «Аудиторлик фаолияти тугрисида» ги Қонуни;
- Ўзбекистон Республикасининг «Бухгалтерия ҳисоби тугрисида» ги Қонуни;
- Ўзбекистон Республикасининг Аудит миллий стандартлари;
- Ўзбекистон Республикасининг Бухгалтерия ҳисоби миллий стандартлари;
- Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси, юридик шахсларни солиққа тортиш бўйича амалдаги меъёрий ҳужжатлар;
- Утказилган текширувлар бўйича далолатномалар;
- Жамият ходимлари тайёрлаган маълумотномалар;
- Бошқа ахборотлар.

И I . Т а х л и л и й к и с м

2.1. Жамиятнинг ҳуқуқий асослари, тузилиши ва иш фаолияти.

Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкни бошқариш ва хусусийлаштириш қумитаси Наманган вилоят ҳудудий бошқармаси томонидан жамиятга 1995 йил 30 январ куни 2353-сонли мулк ҳуқуқни тасдиқловчи давлат ордери берилган. Наманган вилоят ҳокими Адлия

бошкармаси томонидан 1995 йил 24 феврал куни жамиятни руйхатга олинганлиги тугрисида 253-сонли гувоҳнома берилган.

Жамият мустакил ҳуқуқий шахс сифатида думалок муҳр, туртбурчак тамга, мустакил баланс, ҳуқуқий манзилгоҳ, банкда ҳисоб рақамига эга. Наманган шаҳар, Давлат солиқ инспекциясида 1999 йил 18 август куни солиқ туловчи ҳуқуқий шахс сифатида руйхатдан утган ва 200048234 сонли идентификация хос рақами берилган.

Наманган вилоят статистика бошкармаси томонидан 2003 йил 5 июн куни 1096-сон билан жамият руйхатга олинган ва КТУТ буйича хос рақами 05579520, ХХТУТ буйича хос рақами 19211, ТХШТ буйича хос рақами 1150, МШТ буйича хос рақами 144, ДБИБТ буйича хос рақами 08114, МХБТ буйича хос рақами 1714401 берилган.

2004 йил 29 август куни Наманган вилояти Давлат мулкани бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб қувватлаш бошқармасининг «Намангандонмахсулотлари» акциядорлик жамиятига «Чортоқдонмахсулот» акциядорлик жамиятини бирлаштириш тугрисидаги 340/У сонли буйруғи чиқарилган.

«Намангандонмахсулотлари» АЖ акциядорларининг 2004 йил 26 августдаги навбатдан ташқари умумий йиғилиш қарорида «Намангандонмахсулотлари» очик акциядорлик жамиятининг низоми тасдиқланиб 2004 йил 15 куни Наманган шаҳар Хоқимлиги «Тадбиркорлик субъектларини руйхатдан утқазिश инспекцияси» томонидан 00221 сон билан руйхатга олинган.

«Намангандонмахсулотлари» АЖ акциядорларининг 2007 йил 4 октябрдаги навбатдан ташқари умумий йиғилиш қарорида «Намангандонмахсулотлари» очик акциядорлик жамияти низомига киритилган узгаришлар тасдиқланган ва 2007 йил 7 ноябр куни Наманган шаҳар Хоқимлиги «Тадбиркорлик субъектларини руйхатдан утқазिश инспекцияси» томонидан 594 сонли рақами билан руйхатга олинган. Жамият уставининг 3,6 бандига асосан жамият устав жамгармаси номинал қиймати 3000 сум булган 188125 дона 564375,0 минг сумлик эгаси ёзилган оддий ва имтиёзли акциялар қурилишидаги акциялардан иборатлиги ва қуйидагича тақсимланиши

- Давлат улуши 51,0% ,95944 дона, 287832,0 минг сумлик;
 - Бошқа акциядорлар 49,0% 92181 дона , 276543,0 минг сумлик белгиланган.
- Жами 10,0% 188125 дона акция, 564375,0 минг сум**

Жамият уставининг 5,4 бандига асосан жамият томонидан 188125 дона нақдсиз акциялар чиқарилиши белгиланган. Чиқариладиган акцияларни 186187 донаси «Эгаси ёзилган оддий акциялар» ва 1308 донаси «Эгаси ёзилган имтиёзли акциялар» ни ташкил этади.

Жамият Низомига асосан қуйидаги фаолият турлари билан шугулланиши белгиланган :

- Дон, ун, омукта ем ишлаб чиқариш ва халқ хужалиғи ва аҳолини бу маҳсулотга булган эҳтиёжларини қондириш. Дон, сортли ва гибрид дон уғитлари, бошқа кишлок хужалиқ маҳсулотларини харид қилиш ва улардан давлат заруратлари ва бошқа истеъмолчилар буюртмалари буйича етқазиб беришни таъминлаш;

- Галла ва дон маҳсулотларини сақланишини таъминлаш;

- Ички ва ташқи бозор қонъюктурасини урганиш, ташқи иқтисодий фаолиятини амалга ошириш;

- Узок ва қиска муддатли маркетинг дастурларини ишлаб чиқиш, буюртмалар портфелини шакллантириш ва уларни жойлаштириш, маҳсулотларни реклама қилиш;

- Улгуржи ва чакана савдо, савдо-харид ва тижорат фаолияти билан шугулланиш;
- Тадбиркорларга ва фермер хужаликларига пуллик сервис хизматини курсатиш (сервис марказларини ташкил қилиш);
- Ишлаб чиқарилган махсулотни товар ишлаб чиқарувчидан истеъмолчига етказиб бериш жараёнини ривожлаштириш;
- Жамият имиджини ошириш учун хайрия ишларини амалга ошириш;
- Жамият қошида кишлоқ хужалиқ махсулотларини етиштириш, қайта ишлаш ва сотиш учун ёрдамчи хужалиқларни ташкил қилиш;
- Махсулот сифатини ошириш ва жаҳон бозорига чиқиш учун чет эл инвесторларини жалб қилиш;
- Хар хил йуналишдаги янги технологияларни олиб кириш;
- Жаҳон бозорига чиқиш учун интернетда сайт ва Веб-сайтларни ташкил қилиш ва жамият тугрисида тула маълумотларни ва прайс варақларини интернетда ёритиш;
- Ўзбекистон Республикаси қонунлари билан тақиқланмаган бошқа фаолият турлари билан шугулланиш;

Текшириш даврида жамият Низомда курсатилган фаолият турлари доирасида шугулланганлиги аниқланди.

Хуқуқий манзилгоҳи: Наманган шаҳар Темир йул кучаси № 5 уй.

ОАТБ Агробанкнинг Наманган вилоят бўлимидаги ҳисоб рақами:

Ҳисоб ва махсус рақамлар номи	Ҳисоб ва махсус рақамлар
Асосий ҳисоб рақам	20210000300208345001
Гурунч ҳисоб рақами	22626000100208345417
Омухта-ем ҳисоб рақами	22626000700208345444
Иш хақи ҳисоб рақами	22626000500208345666
Госрезерв ҳисоб рақами	22626000900208345001
Бюджетдан ташқари мақсадли жамғармалар х/р	22626000500208345999
Транспорт харажатлари ҳисоб рақами	22626000900208345777
Зарарни қоплаш ҳисоб рақами	22626000900208345002
ККС ҳисоб рақами	22626000900208345888
Парранда ва чорва сотилган бугдой ҳисоб рақами	23208000300208345200
Сотилган ун ҳисоб рақами	23208000800208345100
Витамин ҳисоб рақами	23208000900208345009
Имтиёзли транш ҳисоб рақами	23210000200208345319
Эркин транш ҳисоб рақами	23210000700208345419
Уруғлик бугдой ҳисоб рақами	23210000300208345600

МФО 00229

Булардан ташқари чет мамлакатлар ва ҳамдустлик давлатларида валюта ҳисоб рақамларига эга эмас, шунингдек Республика ҳудудида Ташқи иқтисодий миллий банки ва бошқа банкларда валюта ва махсус ҳисоб рақамлари очилмаган.

Аудиторлик текширувини уз ичига олган даврда жамият бошқаруви раиси лавозимида барча қирим ва қиким хужжатларига имзо қуйиш вақолати билан Юсупов Бобиржон Обиджоновиқ ишлаган.

Бош ҳисобчи лавозимида, молиявий хужжатларга иккинчи имзо қуйиш хуқуқи билан Муйдинов Одилжон Соипжонович ишлаган.

АТ раҳбари

Аудитор

Жамиятда ички назорат ҳолати.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан 2006 йил 29 декабрда 108 сон билан тасдиқланган, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2007 йил 12 апрелда 1673 сон билан руйхатдан утказилган, 12 сонли Ўзбекистон Республикаси аудиторлик фаолиятининг Миллий стандарти «Аудиторлик текширувлари жараёнида бухгалтерия ҳисоби ва ички назорат тизимини баҳолаш» белгиланган. Ички назорат тизими - хўжалик юритувчи субъект раҳбарияти томонидан молиявий-хўжалик фаолиятини назорат қилиш ва самарали юритиш, активлар ва ҳисоб ҳужжатларининг сақланишини таъминлаш, хато ва фирибгарлик ҳолатларини олдини олиш ва аниқлаш, бухгалтерия ёзувларининг аниқ ва тўлиқлиги ва ўз вақтида ишончли молиявий маълумотларни тайёрлаш мақсадида қабул қилинган ташкилий тадбирлар, усуллар ва амаллар (ички назорат воситалари) йиғиндисидан иборат. Хўжалик юритувчи субъектнинг раҳбарияти ички назорат тизимининг ишлаб чиқиши ва қўлланиши учун масъул ҳисобланади. Ички назорат тизимининг хўжалик юритувчи субъектнинг хусусияти ва қўлами талабига жавоб бериши, доимий ва самарали амал қилиши унга боғлиқ бўлади.

Аудиторлик текширувини утказиш жараёнида жамиятнинг назорат воситалари хўжалик операциялари барча ва алоҳида ҳолларда раҳбариятнинг розилиги билан амалга ошириладиганлигига, бухгалтерия ҳисобида барча операциялар тўғри суммаларда, бухгалтерия ҳисобининг тегишли сўтларида, тўғри вақт даврида акс эттириладиганлигига ва ишончли молиявий ҳисобот тайёрлаш имкониятини таъминладиганлигига, активларга кириш факат жамият раҳбариятнинг руҳсати билан йўл қўйиладиганлигига, бухгалтерия ҳисобида қайд қилинган ва ҳақиқатда мавжуд бўлган активлар мувофиқлиги белгиланган даврларда жамият бошқаруви раиси буйруғи билан тайинланган инвентарлашни ташкил қилиш ва утказиш комиссияси томонидан аниқланадиганлигига ва фарқлар аниқланган ҳолларда эса раҳбарият томонидан тегишли қоралар қўриладиганлигига ишонч ҳосил қилинди.

Жамият бухгалтерияси томонидан моддий бойликлар ҳаракати буйича моддий жавобгар шахслар томонидан тузилган товар-пул ва бошқа моддий бойликлар ҳисоботларини тўғри тузилиши, уларни белгиланган муддатларда топширилишини таъминлаш, улардаги қирим қиким ҳужжатларини тулиқлигини аниқлаш, моддий бойликлар бутлигини йўқламалар утказиш билан текшириб туриш каби назорат ишлари олиб борилган. Жамият барча булимлари иш фаолияти устидан умумий назорат жамият бошқаруви раиси томонидан амалга оширилган. Аудиторлик текшируви жараёнида жамиятда бухгалтерия ҳисоби ва ички назорат тизимининг ишончилиги ва самарадорлиги уртача баҳога лойиқ топилди.

Бухгалтерия ҳисобининг ташкил қилиниши ва юритилиши ҳолати.

Ҳисоб сиёсатини шакллантириш асослари Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 1998 йил 14 августда 474 сон билан руйхатдан утказилган, Молия вазирлиги томонидан 1998 йил 14 августда 474 сон билан тасдиқланган «Ҳисоб сиёсати ва молиявий ҳисобот» деб номланган 1 сонли Ўзбекистон Республикаси БХМСнинг 50-бандида жамият ўз ҳисоб сиёсатини ишлаб чиқиши ва тасдиқлаши лозимлиги белгилаб қўйилган.

Ҳисоб сиёсати бухгалтерия ҳисобининг усул ва услублари руйхати сифатида амалиёт ишларида бошқарув мақсадлари учун ва жамият билан солиқ органлари уртасидаги низоли масалаларни ҳал қилиш чоғидаги бухгалтерия ҳисоботларининг тўғрилигини қонун асосида асослаб берувчи ҳужжат ҳисобланади. Жамиятда 2019 йил учун ҳисоб сиёсати ишлаб чиқилган. Жамиятда «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида» ги Ўзбекистон Республикаси қонуни ва Ўзбекистон Республикаси «Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартлари» талаблари

асосида бухгалтерия хисобини юритилиши, расмийлаштирилган бошлангич хужжатлар ва улар асосида тузилган бухгалтерия утказмаларини тугри тузилиши ҳолатини текширилганда бухгалтерия хисоби мемориал- ордер шаклида юритилганлиги, бош китобдан С-Бухгалтерия дастурида юритиб келинганини аниқланди.

Асосий воситаларни хисобга олувчи счётлар (0100) аудити

Хисообот йили давомида жамиятда бинолар, иншоотлар ва узатувчи мосламалар хисоби 0120 счётда, машина ва асбоб-ускуналар хисоби 0130 счётда, мебел ва офис жихозлари 0140 счётда, компьютер жихозлари ва хисоблаш техникаси 0150 счётда ва транспорт воситалари 0160 счётда, бинолар, иншоотлар ва узатувчи мосламалар эскириши хисоби 0220 счётда, машина ва асбоб-ускуналар эскириши хисоби 0230 счётда, мебел ва офис жихозлари эскириши 0240 счётда, компьютер жихозлари ва хисоблаш техникаси эскириши 0250 счётда ва транспорт воситалари эскириши 0260 счётда хисобга олинган.

Бухгалтерия хисоби маълумотларига кура 2019 йил 1 январ ҳолатига асосий воситаларни бошлангич киймати 22 226 986,0 минг сумни ташкил этган. 2019 йилда асосий воситалар қайта баҳолаш хисобига 1 208 220,0 минг сумга ҳамда харид қилинган ва фойдаланишга топширилган асосий воситалар хисобига 1 124 399,0 минг сумга қупайган. Сотилган ва хисобдан чиқарилган асосий воситалар 3 731 922,0 минг сумни ташкил этади. 2019 йил охирига асосий воситалар бошлангич киймати қолдиги 20 827 683,0 минг сум бўлган.

Йил бошига асосий воситаларни жамгарилган эскириш қиймати 10470882,0 минг сум бўлган. 2019 йилда жамгарилган эскириш қиймати қайта баҳолаш хисобига 464987,0 минг сумга қупайган. Йил давомида белгиланган меёрларда жами 1517615,0 минг сумлик эскириш хисобланган. Сотилган ва хисобдан чиқарилган асосий воситалар эскириш қиймати 2797282,0 минг сумни ташкил этган. 2019 йил охирига асосий воситаларни жамгарилган эскириш қиймати 9656202,0 минг сум бўлган. Сотилган ва хисобдан чиқарилган асосий воситалар хисобига 411337,0 минг сум фойда қурилган.

Йиллар давомида асосий воситаларни қайта баҳолаш хисобига жамгарилган захира фонди 5 011 638,7 минг сум бўлган. 2019 йилда 1187 778,0 минг сумга қупайиб 1 518 767,0 минг сумга қамайган. Йил охирига қелиб жамгарилган захира фонди 4 680 649,8 минг сумни ташкил этади.

Узок муддатли инвестициялар хисоби аудити

2019 йил бошига жамиятни бошқа корхоналарга устав фондига киритган узок муддатли инвестициялари 4 083 285,2 минг сумдан иборат бўлиб шундан сотиб олинган бошқа корхоналар акциялари 231 630,1 минг сумни, қарам хужалиқларга киритилган узок муддатли инвестициялари 2 824 776,8 минг сумни ва бошқа тизим корхоналарни уставига киритилган инвестициялари 1 003 979,3 минг сумни ташкил этган. 2019 йилда Тегирмон оромгоҳи МЧЖ уставига 120 000,0 минг сумлик инвестиция киритилган ва Наманган Рискли дон МЧЖ даги 22 899,0 минг сум қайтариб олинган. 2019 йил охирига қелиб жамиятни узок муддатли инвестициялари 4 180 386,2 минг сумни ташкил этган.

Капитал қуйилмалар хисоби аудити

Бухгалтерия хисоби маълумотларига кура 2019 йил бошига жамиятда мавжуд тугалланмаган қурилиш объектлари қиймати 50781,2 минг сумни ташкил этган. 2019 йилда заводни реконструкция қилиш ишлари бажариб қелинган. Йил давомида 12 090 853,0 минг сумлик ишлар бажарилган ва 1 124 699,1 минг сумлик ишлар бажарилиб фойдаланишга

топширилган. Йил охирига тугаллаанмаган курилиш объектлари киймати 11 017 235,2 минг сумни ташкил этган.

Товар моддий кийматлик ҳисоби аудити

Жамиятда товар моддий кийматликлар ҳисоби №21 БХМСга асосан ишлаб чиқариш захиралари № 1000 «Материллар» счётида субсчётларга булинган ҳолда, тайёр махсулотлар ҳисоби № 2810 «Тайёр махсулотлар» счётида, товарлар ҳисоби № 2920 «Сотиладиган товарлар» счётида юритилган. Кириш ва чиқим ҳужжатлари асосида тегишли бухгалтерия утказмалари тузиб келинган. Бухгалтерия ҳисоби ва баланс маълумотларига кура йил охирига ишлаб чиқариш захиралари қолдиги 127 846 257,4 минг сумни, тайёр махсулотлари қолдиги 15 581,3 минг сумни, товарлар қолдиги 78 461,2 минг сумни ташкил этган.

Кассадаги нақд пул маблағларининг аудити

Жамиятда кассадаги пул маблағлари ҳисоби 1-мемориал ордерида БХМС асосида 5010 «Миллий валютадаги пул маблағлари» счётида юритилган. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 1998 йил 17-декабрда 565-сон билан рўйхатга олинган Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 1998 йил 24 январдаги 376-сонли баённомаси билан тасдиқланган «Юридик шахслар томонидан касса операцияларини юритиш қоидалари»га риоя қилиш ҳолати текширилганда жамият кассасига кириш қилинган пул маблағларига кириш касса ордерлари, чиқим қилинган пул маблағларига чиқим касса ордерлари ва тулов қайдномалари белгиланган тартибда расмийлаштириб борилганлиги аниқланди. Кассага кириш ва чиқим қилинган нақд пул маблағларининг аналитик ҳисоби «Касса қундалиги»да юритилган. Дафтар белгиланган тартибда рақамланган, иш утказилиб тикилган, муҳрланган ва жамият раиси ҳамда бош ҳисобчиси имзолари билан тасдиқлаб қуйилган. 2019 йил давомида кассадаги пул маблағлари ҳаракати таҳлил қилиб чиқилди:

(минг сум ҳисобида)

Т/р	Мазмуни	Сумма
	Йил бошига қолдик	0,0
	Йил охирига қолдик	
1	Шаҳобчалардан савдо пули	18 745 270,7
2	Банқдан иш ҳақи учун олинди	4 259 241,0
	Жами кириш	23 021 244,8
	Ч И Қ И М	
1	Банқга	18 762 003,7
2	Иш ҳақи	4259241,0
	Жами чиқим	23 021 244,8
	Йил охирига қолдик	0,0

Бухгалтерия ҳисоби маълумотларига кура жамият кассасига кириш қилинган пул маблағлари белгиланган мақсадларга уз вақтида чиқим қилинган.

Ҳисоб ва махсус рақамлардаги пул маблағларининг аудити

Банқдаги ҳисоб рақамидagi пул маблағларини ҳисоби 21- БХМСга асосан №5110 «Ҳисоб-китоб счёти» да, махсус ва транш пул маблағларини ҳисобига олиб бориш учун № 5530 «Бошқа махсус счётлар» счётларда юритиш белгиланган. Жамиятда ижтимоий нафақалар махсус рақамдаги пул маблағлари ҳаракатини № 5111 счётда ва бошқа махсус рақамлар № 5110-5530 счётларида ҳисобга олиб борилган. Йил бошига ҳисоб рақамида 6 482,1 минг сум ва махсус

АТ раҳбари

Аудитор

ракамларда 437 216,0 минг сум пул маблаглари колдиги булган. Йил давомида пул маблаглари кирим ва чикимиға тегишли бухгалтерия утказмалари тузиб келинган. Йил охириға хисоб ракамида 11 512,9 минг сум ва махсус ракамларда 2 667 276,0 минг сум пул маблаглари колдиги булган.

Жамиятни хисоб ва махсус ракамлардаги пул маблаглари колдиклари банк кучирмаларидаги колдикға мос келади.

Жамиятни банкдан олинган киска муддатли кредитдан булган карзи йил бошиға 93 885 077,0 минг сум булган. Йил давомида яна 160 287 901,6 минг сумлик янги кредитлар расмийлаштирилган ва 116 516 061,1 минг сумлик кредит банкға кайтарилган. Йил охириға жамиятни банкни киска муддатли кредитдан карзи 137 656 917,4 минг сумни ташкил этади.

Жамият реконструкция ишлари банкдан 12 322 601,3 минг сумлик узок муддатли кредит расмийлаштириб олган. Шундан 633 789,0 минг суми банкға кайтарилган. Йил охириға банкни узок муддатли кредитдан булган карз 11 688 812,3 минг сум булган. 2019 йил давомида банкни кредитдан фойдаланилганлиги учун 2 721 798,3 минг сум кредит фоизи туланган.

Мехнатға ҳақ тулаш хисоби аудити

Жамиятда мехнатға ҳақ тулаш юзасида ходимлар билан узаро хисоб- китоблар 6710 “Мехнат ҳақи бўйича ходимлар билан хисоблашишлар” сметида юритилган. Хисобот йилида жамиятда ишлаган ишчи ва хизматчиларининг уртача йиллик руйхатдаги сони 303 кишини ташкил этган. Иш ҳақи бошқарув аппарати ходимларига, бошқа ишчи ва хизматчиларға вақтбай ва ишбай тарзида хисоблаб борилган. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 19 мартдаги 88-сонли «Иш ҳақи ўз вақтида тўланишиға доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» ги қарорининг ижроси аудит таҳлилидан утказилди. Йил бошиға жамиятни иш ҳақи хисобига ходимлардан карзи 127026,8 минг сумни ташкил этган. Йил давомида 6 656 910,8 минг сумлик иш ҳақи туловлари хисобланган ва 6 764 455,3 минг сумлик ушланмалар килинган. Йил охириға жамиятни иш ҳақи хисобига ходимлардан карзи 32509,0 минг сумни, ходимларни иш ҳақи хисобига олинган аванс хисобига жамиятдан карзлари 13026,7 минг сумни ташкил этган. Иш ҳақидан ушланган даромад солигини тугри ушланиши танлаб олиш йули билан қурилганда қурилган 5-хोलатда даромад солиги тугри ушлаб келингани аниқланди.

Жамият раҳбариятиға иш ҳақидан булган карзларни уз вақтида тулаб бориш чораларини қуриш тавсия этилади.

Ишонч ваколати аудити

Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлигининг 2003 йил 7 майдаги 62-сон буйруги билан тасдиқланган «Товар-моддий бойликларни олишға ишончномалар бериш ва уларни ишончномалар бўйича бериш тартиби тўғрисида низом» талабларига риоя қилиниши аудит текширувидан утказилганда жамиятда ишончнома олувчи моддий жавобгар шахслар руйхати буйрук асосида тасдиқланмаганлиги, моддий жавобгар шахсларға таъминот ва бошқа қорхоналардан товар моддий қийматликлар олиб келиш учун ёзиб бериладиган ишонч ваколатларини қайд қилиб бориш дафтари дафтар варақлари ракамланган, 50 варақдан иборат, ип утказилиб тикилган, бош хисобчининг имзоси ва жамиятнинг думалок муҳри билан тасдиқлаб қуйилганлиги аниқланди. 2019 йил давомида бухгалтерия томонидан моддий жавобгар шахсларға жами 1542-та ишончнома ёзиб берилгани қайд этилган. Ёзиб берилган ишончномалардан 1500-таси билан товар моддий қийматликлар олиб келингани бўйича хисобот олинган, 42-та ишончнома бекор қилинган.

Дебитор ва кредитор карзлар таҳлили аудити

Жамиятда дебитор ва кредиторлар билан узаро хисоб-китоблар бошланғич бухгалтерия ҳужжатлари асосида амалға оширилиб тегишли бухгалтерия утказмалари тузиб келинган. Узаро хисоб-китоблар ҳар бир қорхона ва ташкилотлар учун очилган қарточкаларда юритилган. 2020 йил 1 январ қуниға тузилган молиявий хисоботнинг №1 шакли- «Бухгалтерия баланси» маълумотларига қура жамиятни дебиторлик карзлари қуйидагича булган:

(минг сум ҳисобида)

Кўрсаткичлар номи	Сатр коди	01.01.2019 йил ҳолатига	01.01.2020 йил ҳолатига
Дебиторлар, жами	210	30 716 213	28 778 635
Харидор ва буюртмачиларнинг қарзи (4000)	220	149 465	47 000
Шўба ва қарам хўжалик жамиятларнинг қарзи (4120)	240	7 779 956	1 983 010
Ходимларга берилган бўнақлар (4200)	250	1 594	13 088
Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга берилган бўнақлар (4300)	260	21 829 263	25 387 075
Бюджетга солиқ ва йигимлар бўйича бўнақ тўловлари (4400)	270		964 397
Мақсадли давлат жамғармалари ва сугурталар бўйича бўнақ тўловлари (4500)	280		24 575
Ходимларнинг бошқа операциялар бўйича қарзи (4700)	300	23 406	
Бошқа дебиторлик қарзлари (4800)	310	932 529	359 490

Дебиторлик қарзлар 2019 йил бошига жами 30.716.213,0 минг сум булиб 2019 йил охирига келиб 28.778.635,0 минг сумни ташкил этган, ёки йил бошига нисбатан 1.937.578,0 минг сумга камайган. Дебитор қарзлар асосан тизим корхоналари қарзлари ҳисобига камайиб таъминот корхоналарига берилган бунақ туловлар ҳисобига қупайган.

Жамиятни кредиторлик қарзлари қуйидагича булган:

(минг сум ҳисобида)

Кўрсаткичлар номи	Сатр коди	01.01.2019 йил ҳолатига	01.01.2020 йил ҳолатига
Жорий кредиторлик қарзлари, жами	601	15 694 881	1 403 757
Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга қарз (6000)	610	1 819 328	1 007 463
Шўба ва қарам хўжалик жамиятларга қарз (6120)	630	2 794 067	236 945
Олинган бўнақлар (6300)	670	498 273	72 924
Бюджетга тўловлар бўйича қарз (6400)	680	4 122 201	
Мақсадли давлат жамғармаларига тўловлар бўйича қарз (6520)	700	5 604 343	5 227
Таъсисчиларга бўлган қарзлар (6600)	710	24 401	22 853
Меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича қарз (6700)	720	128 621	32 509
Бошқа кредиторлик қарзлар (6950 дан ташқари 6900)	760	703 647	25 836


Кредиторлик қарзлар 2019 йил бошига жами 15.694.881,0 минг сум булиб 2019 йил охирига келиб 1.403.757,0 минг сумни ташкил этган, ёки йил бошига нисбатан 14.291.124,0 минг сумга камайган. Кредитор қарзлар асосан таъминот корхоналаридан, тизим корхоналаридан ва солиқлардан булган қарзлари ҳисобига камайган.

Жамият раҳбариятига тулов муддати утган дебитор қарзларни ундириши ва кредиторлик қарзларни тулаб боришни таъминлаш тавсия этилади.


Даромад ва харажатлар аудити

Жамият 2019 йил давомида Наманган вилоятидаги Наманган тумани, Турақургон тумани, Янгиқургон тумани ва Чортоқ туманидаги фермер хўжаликларидан дон маҳсулотларини қабул қилиб олиш, сақлаш ва қайта ишлаш, дон маҳсулотларидан ишлаб чиқарилган маҳсулотларни харидорларга етказиб бериш фаолияти билан шугулланиб келган. Сотилган тайёр маҳсулотлардан олинган даромадларни № 9010 «Тайёр маҳсулотларни сотишдан даромадлар» счётида, сотилган товарларни № 9020 «Товарларни сотишдан даромадлар» счётида, курсатилган хизматлардан тушумларни № 9030 «Бақарилган ишлар ва курсатилган хизматлардан даромадлар» счётида, асосий фаолиятни бошқа даромадларини №9310-9390-счётларида, молиявий фаолият даромадлари №9510-9590-счётларида асосий фаолият харажатларини № 9110,9120,9130 счётларида, давр харажатларини №9400 «Давр харажатлари» счётида ва молиявий фаолият харажатларини №9610 счётдаида юритиб келган. томонидан 2019 йил якуни бўйича тузилган молиявий натижалар тугрисидаги форма №2 ҳисоботи таҳлил қилиб чиқилди:

АТ раҳбари



Аудитор



2019 йил молиявий фаолият натижалари ҳисоботи таҳлили:

(минг сум ҳисобида)

Кўрсаткичлар номи	Сат Р код и	Ҳисоботда		Аудитда	
		Даромад-лар (фойда)	Харажат-лар (зарарлар)	Даромадлар (фойда)	Харажатлар (зарарлар)
1	2	3	4	5	6
Махсулот (товар, иш ва хизмат) ларни сотишдан соф тушум	010	104 932 016	x	176 743 538	
Сотилган махсулот (товар, иш ва хизмат) ларнинг таннархи	020	x	85 342 254	x	138 994 474
Махсулот (товар, иш ва хизмат) ларни сотишнинг ялпи фойдаси (зарари) (сатр.010-020)	030	19 589 762	0	37 749 064	0
Давр харажатлари, жами (сатр.050+060+070+080), шу жумладан:	040	x	9 096 375	x	19 528 495
Сотиш харажатлари	050	x	980 468	x	1 766 240
Маъмурий харажатлар	060	x	1 278 629	x	2 047 581
Бошқа операцион харажатлар	070	x	6 837 278	x	15 714 674
Ҳисобот даврининг солиқ солинадиган фойдадан келгусида чегириладиган харажатлари	080	x		x	
Асосий фаолиятнинг бошқа даромадлари	090	1 512 430	x	1 258 862	x
Асосий фаолиятнинг фойдаси (зарари) (сатр. 030-040+090)	100	12 005 817		19 479 431	
Молиявий фаолиятнинг даромадлари, жами (сатр.120+130+140+150+160), шу жумладан:	110	177135	x	374727	x
Дивидендлар шаклидаги даромадлар	120	177135	x	374727	x
Фоизлар шаклидаги даромадлар	130		x		x
Молиявий ижарадан даромадлар	140		x		x
Валюта курси фаркидан даромадлар	150		x		x
Молиявий фаолиятнинг бошқа даромадлари	160		x		x
Молиявий фаолият бўйича харажатлар (сатр.180+190+200+210), шу жумладан:	170	x	311 880	x	2 721 798
Фоизлар шаклидаги харажатлар	180		264 968		2 721 798
Молиявий ижара бўйича фоизлар шаклидаги харажатлар	190	x		x	
Валюта курси фаркидан зарарлар	200	x	46912	x	
Молиявий фаолият бўйича бошқа харажатлар	210	x		x	
Умумхўжалик фаолиятининг фойдаси (зарари) (сатр.100+110-170)	220	11 871 072		17 132 360	
Фавқуллоддаги фойда ва зарарлар	230				
Фойда солиғини тўлагунга қадар фойда (зарар) (сатр.220+/-230)	240	11 871 072	0	17 132 360	0
Фойда солиғи	250	x	1 883 448	x	2 998 676
Фойдадан бошқа солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар	260	x	0	x	0
Ҳисобот даврининг соф фойдаси (зарари) (сатр.240-250-260)	270	9 987 624		14 133 684	

2019 йилни давомидаги даромад ва харажатлари тахлил килиб чиқилганда жамият ҳисобот йилини 14 133 684,0 минг сум фойда билан яқунлагани аниқланди.

Солик ва ажратмалар ҳисоботлари аудити

Жамият томонидан умумбелгиланган солик ва ажратмалар буйича Наманган шаҳар ДСИга ҳисобот топшириб келинган. Жамиятни Наманган шаҳридаги ер майдони ва мол-мулкдан ташқари Янгиқургон тумани, Чортоқ тумани, Наманган тумани ва Турақургон туманида ер ва мол-мулклари мавжуд бўлган. Ер майдони жойлашуви ва у ердаги мол-мулклар буйича туманлардаги Давлат солик инспекцияларига 2019 йил учун солиқлар буйича бунақ ҳисоблаш учун маълумотлар тақдим этилган. Йил якуни буйича йиллик ҳисоботлар тақдим этилган.

Аудит текширувида куйидагилар аниқланди:

(минг сум ҳисобида)

Т/р	Солик турлари	Ҳисоботда	Аудитда	Фарқи
1	Ягона ижтимоий тулов	1651218,5	1651218,5	0
2	Мол-мулк солиғи	190563,8	190563,8	0
3	Сув солиғи	18512,7	18512,7	0
4	Ер солиғи	305814,4	305814,4	0
5	Фойда солиғи	2998676	2998676	0
6	Қушилган қиймат солиғи	18818341,3	18818341,3	0
	Жами	23983126,7	23983126,7	0

Аудит текширувида ҳисоботга нисбатан фарқ аниқланмади.

Жамиятни молиявий ҳолати мониторинги

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги ҳузуридаги иқтисодий ночор корхоналарнинг ишлари қумитасининг 16.03.2005 йилдаги ГС-05/0271/1 сонли Қарори билан тасдиқланган, ҳамда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 14.04.2005 йилда № 1469 сон тартиб рақами билан руйхатга олинган «Корхоналарнинг молиявий-иқтисодий аҳоли мониторинги ва тахлилини ўтказиш мезонларини аниқлаш тартиби тўғрисида» ги Низом асосида жамиятни 2019 йилдаги молиявий ҳисобот курсаткичлари буйича корхонанинг иқтисодий курсаткичлари тахлил қилинди:

1.Коплаш коэффиценти: Корхонани тулов қобилиятига эга эканлиги тўғрисида маълумот беради.

$$Кпл = \frac{\text{Жорий активлар (баланси 390 сатри)}}{\text{Жорий мажбуриятлар (баланси 770 сатри - 490 сатри)}} = \frac{164226926}{(150748652-116888120)} = 1,18$$

Коплаш коэффиценти меърий курсаткич 1,25 бўлгани ҳолда 1,18-ни ташкил этган. Жамиятни тулов қобилияти паст даражада.

2.Жорий маблаглари билан таъминланиш коэффиценти: Корхонани жорий маблаглар билан таъминланиш коэффиценти кредиторларга ва бошқа корхона иқтисодий аҳоли тўғрисида, маълумот беради.

$$Кос = \frac{\text{Ўз маблаглари манбалари (баланси 480 сатри)} + \text{Ўзоқ муддатли мажбуриятлар (баланси 570 сатри+580 сатри)}}{\text{Жорий активлар (баланси 390 сатри)}} = \frac{(39874206+11688812+0)}{164226926} = 0,31$$

Жорий маблаглари билан таъминланиш коэффиценти меърий курсаткич 0,20-бўлгани ҳолда 0,31-ни ташкил этган, ёки жорий маблаглар билан таъминлаш ҳолати қониқарли даражада.

3.Ўз маблаглари ва жорий қарз маблаглари нисбати коэффиценти жорий қарз маблагларини ўз маблаглари билан қайтарилишини таъминланиш даражаси тўғрисида маълумот беради.

$$Ксе = \frac{\text{Ўз маблаглари манбалари (баланси 480 сатри)}}{\text{Мажбуриятлар баланси 770 сатри - Ўзоқ муддатли мажбуриятлар (баланси 490 сатри)}} = \frac{39874206}{(150748652-11688812)} = 0,29$$

Уз маблаглари ва жорий қарз маблаглари нисбати меъёрий курсатгич 1.0 булгани холда 0,29-ни ташкил этган. Жамиятни жорий қарз маблагларини уз маблаглари ҳисобидан қайтарилишини таъминланиш ҳолати паст даражада.

4. Рентабеллик коэффициентлари:

$K_{pp} = \text{Фойд солиғи тулағунга қадар фойда (Ф.№2 шакл ҳисоботи 240 сатри) / Харажатлар (баланси 020 сатри + 040 сатри + 170 сатри + 6 графани 230 сатри)} = 17132360 / (138994474 + 19528495 + 2721798) = 0,10$

Рентабеллик даражаси меърий курсатгич 0,05 булгани холда 0,10-ни ташкил этган. Жамият рентабеллик қорхона ҳисобланади.

5. Активлар рентабеллиги:

$K_{ra} = \text{Солиқ тулағунча фойда (Ф.№2- 240 сатр) / Жами баланс (баланси 400 ёки 780 катори)} = 17132360 / 190622858 = 0,09$

Активлар рентабеллик даражаси меърий курсатгич 0,05 булгани холда 0,09-ни ташкил этган. Қорхонани активлардан фойдаланиш рентабеллиги қониқарли даражада.

6. Асосий воситаларни эскириш коэффициентлари асосий воситаларни эскириш даражасига баҳолайди.

$K_{изн} = \text{И/О (баланси 0,12 сатри / 0,11 сатри)} = 9656202 / 11171481 = 0,9$

Асосий воситаларни эскириш даражаси 0,5 дан қуп бўлса қорхонани асосий воситалари жуда эскирган деб ҳисобланади. Жамиятни асосий воситалари эскириши меър даражасида.

«Намангандонмахсулотлари» акциядорлик жамиятининг 2020 йил 1 январ кунига тузилган баланс курсаткичлари ва 2019 йил учун тузилган «Молиявий натижалар ҳисоботи» курсаткичларига қура жамият фаолияти қониқарли деб баҳоланди.

Аудит текшируви якуни бўйича тавсиялар:


1. Хужалиқ юритувчи субъектлар фаолиятига доир Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва йуриқномалар асосида ҳисоб-китоб ишлари ташкил қилиш;

2. Тулов муддати утган дебитор қарзларни ундириш қораларини қуриш, иш ҳақидан тулов муддати утган қарзларни тугатиш қура тадбирларини қуриш;

3. Қелгусида жамиятнинг молиявий ҳолатини яхшилаш қура-тадбирларини қуриш, молиявий фаолиятни фойда билан якунлаш учун ишлаб чиқаришга таалукли бўлмаган харажатлар ҳажмини қамайтириш, товар ва тайёр маҳсулотларни таннархидан паст бўлмаган нархларда сотиш;


Юқоридагилар асосида ушбу ҳисобот тузилди.

МЧЖ «NAZORAT-AUDIT» аудиторлик ташкилоти директори, аудитор:



Б.Н.Назаров

Аудитор:



А.С.Ибрагимов

